

Ehtimol, bu amaliyotning keng tarqalishi, shuning uchun o'z samarasini berishi uchun yetarli vaqt bo'lmagandir. Tegishli veb-saytlarni tashkil etish va yuritish, axborotni ommaviy axborot vositalari orqali tarqatish qishloqlarda muqobil bandlikni rivojlantirish siyosati samaradorligini oshirishning zarur shartidir. Shunday qilib, davlat miqyosida quyidagi strategiyalarni tavsiya etish mumkin:

- mintaqaviy agrosanoat kompleksini rivojlantirish dasturlari va qishloq ijtimoiy rivojlanish dasturlari, shuningdek, viloyat miqyosida muqobil

bandlikni qo'llab-quvvatlash muhimligini e'lon qilish;

- milliy loyiha bo'yicha foiz stavkalarini subsidiyalashni qishloq joylarda tadbirkorlik turlarini kengaytirish;

- aholiga konsalting xizmatlar ko'rsatishni kengaytirish, shu jumladan o'z biznesini yuritish;

- aholining qishloq xo'jaligiga oid bo'lmagan tadbirkorlik faoliyatini, ayniqsa, qishloq turizmi sohasida axborot bilan ta'minlash amaliyotini joriy etish (axborot saytlarini tashkil etish, ommaviy axborot vositalarini jalb etish).

Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022 – 2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"dagi PF-60-sonli farmoni SH.M. Mirziyoyev Yangi O'zbekiston strategiyasi. – Toshkent: O'zbekiston, 2021. – 464 b.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 29.12.2020. <http://uchildiz.uz/>

3. Abdurahmonov Q.X., Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Darslik. – Toshkent: «Fan» nashriyoti, 2019. 20-bet.

4. Abdurahmonov. Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: Nazariya va amaliyot / Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. – T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «FAN» nashriyot davlat korxonasi, 2019. – 592b.

5. Aliev B. Mehnat bozorini shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari /O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi, 2003 y. 5-son, 62-bet.

6. Xolmo'minov SH.R., Xomitov K.Z., Arabov N.U., Bobanazarova J.X., Abduramanov X.X. Qishloq aholisini ish bilan ta'minlashning nazariy va amaliy asoslari (monografiya). – T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2018. 35-bet.

7. Экономика труда: Учебник /И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильина. – М.: Издательство, KNORUS 2012 – с. 123

8. Хурсан Л В. Теоретико-методологические проблемы регулирования молодежного рынка труда. Проблемы современной экономики, N 1 (29), 2009.

9. Ляшок В., Татьяна М, Лопатина М. Влияние новых технологий на рынок труда: прошлые уроки и новые вызовы.// Экономическая политика. 2020. Т. 15. № 4. - С. 62.

10. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Дж. М. Кейнс. – М.: Гелиос, 1999. - с.112.

11. Экономика труда: Учебник / А.И.Рофе.-2-е. – М.: KNORUS,2011. - С . 159.

12. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. – М.: Издательская группа NORMA-INFRA, 1999. -338 стр.



2023 ЙИЛ “ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ” ДА ЭХТИЁЖЛАР АСОСИДА ЁШЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ

Мелибоев Азиз Розақович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

Машарипов Фаррух Ўткирович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
талабаси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a23

Аннотация. Мақолада жамиятимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида профессионал таълим тизимида ёшларни меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида замонавий ва сифатли касбга ўқитиш тизимини Европа стандартлари асосида жорий этиш моҳияти ёритиб берилган. Таҳлиллар асосида меҳнат бозорида ёшларни касб-хунар эгаллаш ва шу орқали иш билан бандлик масалаларидаги муаммолар аниқланган. Шунингдек, профессионал таълим муассасалари меҳнат бозорида ёшларни давлат ва хусусий сектордаги иш берувчиларнинг эҳтиёжлари асосида замонавий касбларга сифатли тайёрлашни тақомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, касб-хунарга ўқитиш, профессионал таълим, иш берувчилар, хусусий сектор, меҳнат миграцияси, ишчи кучи, ташқи ва ички меҳнат бозори, тadbirkorlik кўникмалари, касбий малака тизими.

ОБУЧЕНИЕ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННЫМ ПРОФЕССИЯМ, ИСХОДЯ ИЗ ПОТРЕБНОСТЕЙ РЫНКА ТРУДА В 2023 ГОДУ, В “ГОД ЗАБОТЫ О ЧЕЛОВЕКЕ И КАЧЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ”

Мелибоев Азиз Розакович -

Независимый исследователь Ташкентского государственного экономического университета

Машарипов Фаррух Уткирович -

Студент Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье раскрывается сущность обучения молодежи современным профессиям с учетом потребностей рынка труда на основе внедрения в систему профессионального образования европейских стандартов на современном этапе развития нашего общества. На основе проведенных анализов выявлены проблемы в обучении молодежи профессиям на рынке труда, тем самым обеспечения их трудовой занятости. Также разработаны научно-практические рекомендации по совершенствованию качественной подготовки молодежи в профессиональных образовательных учреждениях на основе потребностей работодателей в государственном и частном секторах на рынке труда.

Ключевые слова: рынок труда, трудовые ресурсы, обучение профессиям, профессиональное образование, работодатели, частный сектор, трудовая миграция, рабочая сила, внешний и внутренний рынок труда, предпринимательские навыки, система профессиональных квалификаций.

TRAINING OF YOUTH IN MODERN PROFESSIONS BASED ON THE NEEDS OF THE LABOR MARKET IN 2023, IN THE “YEAR OF HUMAN CARE AND QUALITY EDUCATION”

Meliboev Aziz Rozakovich -

Independent researcher at Tashkent state university of economics

Masharipov Farrukh Utkirovich -

Studnet of Tashkent state university of economics

Abstract. The article reveals the essence of teaching youth modern professions, taking into account the needs of the labor market, based on the introduction of European standards into the vocational education system at the present stage of development of our society. Based on the conducted analyses, problems were identified in teaching young people professions in the labor market, thereby ensuring their employment. Scientific and practical recommendations have also been developed to improve the quality training of young people in vocational educational institutions based on the needs of employers in the public and private sectors in the labor market.

Key words: labor market, labor resources, vocational training, vocational education, employers, private sector, labor migration, labor force, external and internal labor market, entrepreneurial skills, system of professional qualifications.

Кириш. Ҳар бир жамият бойлигининг манбаи, инсоният томонидан моддий ва маънавий бойлик яратишнинг асосий омили меҳнатдир. Жамиятнинг ижтимоий шакли қандай бўлишидан қатъи назар, меҳнат моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришда зарур фаолият бўлиб қолаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигига, унинг ҳаёт даражаси ва сифатига қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади[1], шунингдек, 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиши белгиланди.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўйбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш технологияларидаги, ижтимоий ва иқтисодий тузилмалардаги ўзгаришлар динамикаси инсон авлодлари алмашинуви динамикасидан сезиларли даражада илгарилаб кета бошлади.

Бу шуни англатадики, аксарият аҳоли меҳнат ҳаёти мобайнида бир неча марта фаолиятнинг янги турларини ўзлаштиришига, ўз

малакасини доимий равишда оширишига тўғри келади. Айнан шунинг учун ахборот жамиятини кўпинча “узлуксиз ўргатувчи жамият” деб аташади. Узлуксиз таълим, шу тариқа, ҳар бир инсон турмушининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Жамият ахборотлашувининг таълим тизимига таъсири ана шундан иборат. Жамиятнинг ахборотлашуви умумий ва профессионал таълимга нисбатан сифат жиҳатдан янги талабларни қўяди. Бунинг натижаси фаолиятнинг янги турларини ва уларга мос келувчи янги билимлар, маҳорат, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш, кенгайтириш ва такомиллаштириш қобилиятларининг ривожланишида намоён бўлиши керак.

Бугунги кунда профессионал таълим муассасалари олдида турган асосий вазифалардан бири мустақил қарор қабул қилишга қодир бўлган, доимий равишда ўзгариб турувчи шароитда аниқ, самарали ва оқилона ҳаракат қила оладиган кадрларни тайёрлашга йўналтиришдан иборат.

Бу мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлашдаги жиддий ўзгаришларни талаб этади, бу профессионал таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш жараёнининг йўналишини белгилаб беради.

Мавзуга оди адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон иқтисодчи олим Қ.Абдурахмонов Мамлакат иқтисодиёти даражасини оширишга интилиш бўлса, инсон ресурсларининг сифати муттасил ошириб борилиши керак. Бу эса аввало, иш берувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим стандартларини, шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг малакасига талабларни тайёрлашнинг шакллантириш ва такомиллаштириш имконини яратади[2].

Шунингдек, Г.Қаландарова [2] меҳнат бозорининг инфратузилмаси иш билан бандликка кўмаклашувчи, аҳолини касбга йўналтирувчи, касбий тайёргарлик ва ходимларни қайта тайёрлаш институтлари (давлат ва бошқарув органлари, биржалар, жамғармалар, касбий тайёргарлик ва малака ошириш марказлари) ва ҳоказолардан иборатдир[3].

Зерчанинованинг [4] тадқиқот ишларида таълим муассасалари томонидан меҳнат бозоридаги талабга мос мақсадлар тайёрлаш масалалари ўрганилган.

Файзиев, Карамян, Рахимова[5] томонидан тадқиқ этилган, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг касбий қизиқишлари социологик сўровлар ёрдамида аниқлаш ҳамда муҳим илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқишга бағишланган.

М.Холмухаммедов[6] Халқаро меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, глобаллашув ва интеграцион жараён тезлашиши, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқи-

лоблар эътиборга олинса, шунга мос равишда замон талабларига жавоб бера оладиган кўникма ва малакага эга, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш масаласининг долзарблиги янада ошади[4].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2022 йил 15 июнь кuni аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айна жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳоли, айниқса, ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш ҳамда меҳнат бозорида талаб қилинаётган мутахассисликлар бўйича ўқитишни йўлга қўйиш ёшлар бандлигини таъминлашдаги муҳим омил ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишини амалга оширишда меҳнат бозорида эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёшларни замонавий ва сифатли касб-ҳунарга ўқитиш тизими билан ўзаро алоқалари таҳлил этилган. Меҳнат бозорида иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш йўналишлари солиштирма ва статистик таҳлиллар асосида давлат ва хусусий секторда иш берувчиларнинг ишчи кучига қўйиладиган талаблари таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Касб-ҳунарга ўқитишни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, меҳнат бозорида эҳтиёж бўлган ва янги истиқболли касблар бўйича замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган малакали кадрларни касб-ҳунарга ўқитиш жараёнини янги босқичга кўтариш ҳамда замонавий таълим технологиялари асосида ўқув жараёнларини ташкил қилиш мақсадида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларининг давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш вазифаси белгиланган[5]. Ана шу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар ўқувчиларнинг муайян касб ўрганиб, махсус малакага эга, рақобатбардош кадр бўлиб етишишига хизмат қилади. Зеро, иқтисодиёт барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан беллаша олиш ҳам меҳнат бозоридаги кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Республика бўйича 2021/2022 ўқув йилида жами умумий ўрта таълим мактабларини **385 839 нафар** ўқувчилар тугатган бўлиб, шундан, **228 533 нафар** ўқувчи меҳнат бозорига касбсиз кириб келаётганларни ташкил этади[6].

Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига касбсиз кириб келиши, Республикадаги мавжуд 704 та профессионал таълим муассасалари 330 та касб-хунар мактаби, 166 та коллеж, 208 та техникумлардан ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи ҳамда ички ва ташқи меҳнат бозорига малакали ўрта бўғин кадрларни тайёрлайдиган тизим яратишни ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ўтган қисқа вақт мобайнида 2020-2022 йиллар давомида республикадаги профессионал таълим муассасаларига жами **565 минг нафардан** ортиқ ўқувчи ёшлар ҳамда касб-хунар эгаллаш истагида бўлган катта ёшдаги фуқаролар ўқишга қабул қилинди.

1-жадвал

Профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ўқувчилар сони тўғрисидаги маълумот[12]

№	Таълим муассаса	2020/2021 ўқув йили (ўқувчилар сони)	2021/2022 ўқув йили (ўқувчилар сони)	2022/2023 ўқув йили (ўқувчилар сони)
1.	Касб-хунар мактаби	79 217	92 634	99 040
2.	Коллеж	54 270	46 869	42 369
3.	Техникум	47 078	52 992	50 731

Манба: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг электрон сайтидан олинган[7].

Бугунги кунда республикадаги **704 та** профессионал таълим муассасаларида жами **417 542 нафар** ўқувчига **27 124 нафар** педагог кадр томонидан касб сирлари ўргатилмоқда. Шунинг билан бирга, 2020-2022 йиллар давомида профессионал таълим муассасаларини жами **143 205 нафар** ўқувчи тамомлаб, иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Маълумки, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган асримизда ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим эгаллаши, замонавий касб-хунар сирларини чуқур ўрганиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса иқтисодиёт тармоқларига малакали кадрлар етиштириб берувчи муассасалар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Замонавий касб-хунарга эга ёшлар мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчи ҳисобланади. Зеро, ички ва ташқи меҳнат бозорига муносиб касб эгаларини тайёрлаш ҳам бугун устувор масала саналади.

Шунингдек, ташқи меҳнат миграциясига чиқиб кетаётган фуқароларимиз ва ёшларни

хорижий иш берувчиларнинг малака талабларига жавоб берувчи мутахассислар тайёрлаш мақсадида профессионал таълим муассасалари, “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, меҳнат бозори конъюнктураси таҳлил қилинди меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича **124 минг** нафардан ортиқ ишчи касб эгаларига бўлган жорий ва яқин истиқболдаги эҳтиёж белгилаб олинди[14].

Касб-хунарга ўқитиладиган контингент сифатида 1 558,3 минг нафар ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли ҳамда, хусусан, 563 минг нафар меҳнат бозорига илк марта кириб келувчилар белгилаб олинди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз шахслар ва ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўқитишда устуворлик белгиланди.

2-жадвал

Касб-хунарга ўқитилган ишсиз фуқаролар ва ёшлар тўғрисидаги маълумот[8]

№	Тоифалар	2021 йилда (минг)	2022 йилда (минг)
1.	Ишсиз фуқаролар	115,4	132,4
2.	Ёшлар	62,8	66,8

Бугун ёшларни иш билан таъминлаш, бирор фаолият турига жалб этишининг энг самарали йўли — уларни касб-хунарга ўқитиш экани, мамлакатимиз тажрибасида яққол намоён бўлмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида ёшлар, айниқса, ишсиз аҳоли қатламни бу тизимга жалб қилиш, келгусида олий таълимни давом

этиришидан қатъий назар, уларга ҳаётида асқотадиган бирор хунарни ўргатиш, эгаллаган касби бўйича бўш иш ўринлари яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Профессионал таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, профессионал таълим тизимини тубдан қайта қўриш, халқаро стандартлар даражасига мос мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Аввало, давлатимиз раҳбарининг мазкур мурожаатномасида 2023 йилга юртимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб номланиши профессионал таълим тизимида ҳам бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди[9].

Профессионал таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида:

2023 йилда ҳар бир ҳудудда камида **1 тадан намунавий техникум** ташкил этиб, уларда **Европа касбий таълим сифатини таъминлаш стандартларини** жорий этиш ва бу орқали Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш (EQAVET) тизими асосида профессионал таълим сифатини таъминлашнинг мезонларини ишлаб чиқиш;

EQAVET тизими бу: Европа мамлакатлари профессионал таълимида сифатни таъминлашнинг намунаси (эталон) ягона тизимини яратиш мақсадида 2009 йилда Профессионал таълим ва касбга ўқитишда Европа сифат кафолати тизими (EQAVET- *European Quality Assurance in Vocational Education and Training*) йўлга қўйилган[10].

EQAVET тармоғи Европа иттифоқи давлатлари (27 та), ЕИГА аъзоликка номзод давлатлар (Туркия, Албания, Сербия, Шимолий Македония, Черногория)да тўлиқ жорий этилган. Швейцария, Норвегия, Исландия мамлакатлари профессионал таълим сифатини таъминлашда ушбу тизим кўрсаткичларига асосланади. Бундан ташқари, EQAVET тизими асосида Беларусь, Арманистон, Россия каби МДХ давлатларида ҳам сифатни таъминлашда бу амалиёт жорий этилган.

EQAVET тармоғи томонидан ташкил этилган тизим орқали бугунги кунда Европа давлатларида профессионал таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлашнинг ягона тизимини жорий этиш орқали таълим олаётганлар ўқувчи ва битирувчилар мобиллигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали сифатли кадрлар тайёрлашни жорий этиш;

Шу билан бирга, EQAVET тармоғи томонидан ташкил этилган тизим орқали **Европа малака рамкаси (EQF-European Qualifications Framework)**нинг амалиётга самарали жорий этилиши ва ишлашидини таъминлаш[11];

EQAVET талаблари асосида профессионал таълим тизимини сифатни таъминлаш ислохотларини амалга ошириши зарурати:

Профессионал таълим тизимида сифатни таъминлашнинг аниқ белгиланган кўрсаткичлари мавжуд эмаслиги сабабли таълим жараёнини ташкил этиш, педагоглар таъминоти, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва ўқувчилар малакасини баҳолаш билан боғлиқ жараёнларнинг халқаро стандартларга қай даражада мослигини аниқлаш имконияти мавжуд эмас.

Шу билан бирга, профессионал таълим тизимининг амалдаги ҳолати бўйича аниқ таҳлилларга асосланган маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича стратегик тизимли ислохотларни амалга ошириш ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнида муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистонда EQAVET сифатни таъминлаш тизимини жорий этиш босқичлари[8]:

1. Ҳукумат даражасида профессионал таълимда сифатни таъминлашни мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш;

Кенгаш таркибида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа соҳага масъул бўлган вазирликлар ва идоралар киритилади.

2. EQAVET тавсияларига мувофиқ профессионал таълим тизимида сифатни таъминлаш бўйича миллий кўрсаткичлар, баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва тартиби ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

3. Профессионал таълим тизими сифатини таъминлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва таълим муассасаларини баҳолашдан ўтказиш.

Шунингдек, Касбга ўқитиш тизимида натижага эришиш учун ҳар бир давлатда профессионал таълим тизими сифатини таъминлашга алоҳида идора масъул этиб белгиланади. Масъул бўлган идоралар томонидан мамлакатдаги мавжуд профессионал таълим муассасаларида EQAVET кўрсаткичлари асосида доимий равишда баҳолаш амалга оширилади.

2023/2024 ўқув йилида профессионал таълим муассасаларида грант ўринлар сонини 100 мингдан 130 мингга ошириш ва 200 минг нафар ёшларни касб-хунар билан қамраб олиш;

Намунавий профессионал таълим муассасаларида бошқарув тизими ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва фаолиятини молиялаштиришнинг алоҳида тартибини жорий этиш;

Намунавий профессионал таълим муассасаларида ўқишни тўлиқ бепул қилиш ҳамда келгуси 5 йилда барча профессионал таълим муассасаларида ушбу тизимни йўлга қўйишни кўзда тутиш назарда тутилмоқда. Шунингдек,

Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

Ўрта бўғин кадрларга бўлган *эҳтиёжни аниқлашнинг янги механизмларини* белгилаш;

Европа мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида педагог кадрларини *қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг* тизимини жорий этишни кўзда тутати. Шу билан бирга, Профессионал таълим тизими *моддий-техник базасини ривожлантириш* дастурини ишлаб чиқиш;

Профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишнинг янги методикаларини халқаро ташкилотлар билан бирга жорий этиш ҳамда мазкур йўналишдаги ўқитувчиларни янги методикалар бўйича ўқитишни йўлга қўйиш;

Мактаб ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва касб-хунар мактабларига ўқувчилар қамровини ошириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. *Профессионал таълим тизимини 2023-2030 йилларда ривожлантириш стратегиясини* ишлаб чиқиш асосий устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида ёшларни замонавий ва сифатли касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ёшларнинг муносиб касб, муносиб турмуш тарзи, муносиб меҳнат, фаровон ҳаёт ва муносиб даромад ишлаш учун шартшароит яратиш ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини эътиборга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ва малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш ҳамда меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, айниқса меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича қуйидагилар тавсия этилади:

- меҳнат бозорида аниқ талабдан келиб чиқиб, касб-хунарга ўқитиш давлат буюртмасини ҳудудий инвестиция дастурлари асосида яратилаётган иш ўринларини эътиборга олган ҳолда шакллантириш;

- касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини нечта касбни давлат томонидан эгаллаши мумкинлигига аниқлик киритиш, ҳамда умумтаълим мактабларининг битирувчи синфлари ўқувчиларини касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш бўйича аниқ механизмларни белгилаш;

- меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш учун бугун ва истиқболда қандай мутахассисларни қанча миқдорда тайёрлаш кераклигини, замонавий корхоналарда меҳ-

нат фаолияти олиб бориш лаёқатларига эга бўлиш учун улар қандай касбий билим ва кўникмаларга эга бўлишлари кераклигини аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- меҳнат бозорида 2030 йилгача мавжуд янги пайдо бўладиган касблар рўйхатини шакллантириш;

- мутахассис кадрларга бўлган аниқ прогностларни ишлаб чиқиш;

- республикамизнинг ҳар бир туман (шаҳар)ларда иш берувчиларнинг ўрта бўғин ишчи кадрларга бўлган меҳнат бозоридаги жорий ҳамда (яқин, ўрта ва узоқ) истиқболдаги талабини тизимли ўрганиб бориш;

- таълим муассасаларида фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ва диверсификациялашуви шароитида мураккаб замонавий вазифаларни юқори касбий даражада ҳал қила оладиган мутахассислар тайёрлаш;

- интақада ишчи кучига эҳтиёжни касб-малака жиҳатдан прогнослаш тизимини яратиш;

- таълим сифатини назорат қилиш тизимини яратиш, у минтақа меҳнат бозори эҳтиёжларига қараб, таълим тизимини “ташқил қилиши” лозим;

- аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастурларининг етарли даражада молиялаштирилишини таъминлаш;

- минтақа маълумотлар базасида мавжуд бўш ишчи ўринлари тўғрисида ишсизларни ва меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни максимал даражада хабардор қилиш мақсадида бандлик марказлари билан иш берувчиларнинг доимий алоқасини таъминлаш;

- давлатнинг фаол бандлик сиёсати орқали, хусусий секторда ташқил этилаётган иш ўринларига ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорларга имтиёзлар бериш;

- меҳнат бозорида воситачилик қилаётган бандлик марказларига халқаро стандартлар асосида янги механизмларни жорий этиш ва ривожлантириш;

- Европа давлатлари, Ақш, Буюк Британия, Канада ва Исроил давлатлари билан уюшган миграцияни ривожлантириш мақсадида мазкур ривожланган давлатларнинг иш берувчилари ўртасида Ўзбекистоннинг меҳнат миграцияси тизими қулайлигини тарғиб қилиш.

- ёшлар бандлиги самарадорлигини ошириш учун иқтисодий рағбатлар, жумладан, ёшларни ишга жойлаштириш ва қабул қилиш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича хизматларини тақдим қилишдан корхоналарнинг манфаатдорлигини оширувчи солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланиш, ёшларни ишга қабул қилиш учун қўшимча квоталар ажратиш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси”. – Тошкент, 2022 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон қонуни. 2020 йил 20 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни. 2020 йил 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун ЎРҚ-798-сон. 2022 йил 28 октябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. 2022 йил 28 январь.
7. Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил.
8. Абдурахмонова Г. Меҳнат иқтисодиёти. Ўқув кўланма. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.
9. Умурзаков Б., Алимухаммедов Б., Махмудов Т. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг асосий вазифалари ва фаолияти. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2021 йил.
10. Абдурахмонова Г. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. – Тошкент: Фан, 2021 йил.
11. <https://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси давлат портали
12. <https://mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти
13. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитаси-нинг расмий сайти
14. <https://edu.uz> – Олий таълим, фаг ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти
15. <https://uzedu.uz> – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг расмий сайти
16. <https://www.eqavet.eu>



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ БАНДЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Миролимов Мирислом Миршокир ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
докторанти**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a24

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандликни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлар ва ишсизлик даражаси, меҳнат бозори билан боғлиқ муаммоларини ёритиш ўрганилган. Тошкент вилоятида доимий аҳоли сони, меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, меҳнат бозоридаги танглик даражаси, иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳоли сони динамикаси ва аҳолининг ишсизлик даражаси таҳлил қилинган. Қолаверса, Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандликни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодий фаол бандлик, меҳнат бозори, иш билан бандлик, ишсизлик даражаси, меҳнат ресурслари.

**ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИЧЕСКИ АКТИВНОЙ
ЗАНЯТОСТИ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**Миролимов Мирислам Миршокир ўғли -
Докторант Ташкентского государственного
экономического университета**

Аннотация. В данной статье изучены проблемы и решения в развитии экономически активной занятости в Ташкентской области, а также проблемы, связанные с уровнем безработицы и рынком труда. Проанализированы количество постоянных жителей Ташкентской области, основные показатели рынка труда, уровень напряженности на рынке труда, динамика численности нуждающегося в трудоустройстве населения и уровень безработицы населения. Кроме того, разработаны выводы и предложения по проблемам и решениям в развитии экономически активной занятости в Ташкентской области.

Ключевые слова: экономически активная занятость, рынок труда, занятость, уровень безработицы, трудовые ресурсы.

**PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF ECONOMIC ACTIVITIES IN
TASHKENT REGION**

**Mirolimov Mirislam Mirshokir ogli
Doctoral student of
Tashkent State University of Economics**

Abstract. In this article, problems and solutions in the development of economically active industries in Tashkent region, as well as problems related to the level of unemployment and the labor market, are studied. The number of permanent residents of the Tashkent region, the main indicators of the labor market, the level of tension in the labor market, the dynamics of the population needing employment and the unemployment rate of the population were analyzed. In addition, conclusions and proposals were developed on the problems and solutions in the development of economically active industries in Tashkent region.

Keywords: economically active jobs, labor market, employment, unemployment rate, labor resources.